I-90395

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси**

**1 март, чоршанба, 1995 йил**
**Сотувда эркин нархда.** **№ 43 (1045)**

## УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ҲАҚИДА

***Ўзбекистон Республикаси парламенти ташаббуси билан республика Президентининг ваколатини 1997 йилдан то 2000 йилга қадар узайтириш ҳақида умумхалқ Референдумини ўтказишга қарор қилинди. Парламент қарорини қандай изоҳлаш мумкин?***

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан

Президент айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир. Бу ҳолат Конституциянинг 89-модда, 2-қисмида акс эттирилган.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти 1991 йил охирида умумхалқ сайлови натижасида беш йил муддатга сайланган эди, яъни Президентнинг ваколати 1997 йилга қадар давом этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси эса 1994 йил охирида сайланиб, беш йил муддатдан иборат ваколатга эга бўлади. Унинг ваколати 2000 йилгача давом этади.

Бундай вазиятда, табиийки, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида ваколат муддатлари жиҳатдан номутаносиблик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлмиш Президентнинг ва Олий Мажлиснинг ваколатлари ўртасидаги бу номутаносибликка барҳам бериш, қонунчилик ва ижрочилик ҳокимиятлари фаолиятини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Президентнинг ваколатини Олий Мажлис ваколатлари амал қиладиган муддатга қадар узайтириш тақозо этилади.

Нега бу масала айни ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда?

Мамлакатимизда давлатчилик шаклланаётган, бошқарувнинг самарали шакли вужудга келаётган бир пайтда иқтисодиётимизда оламшумул ислоҳотлар жорий этилаётган бир пайтда, маънавиятимиз қайта тикланиб, куч-қувватга тўлиб, халқимиз истиқболига хизмат қилаётган бир пайтда, лўнда қилиб айтганда, халқимизнинг ҳаётини барқарорлаштириш мақсадида аниқ белгилаб олинган сиёсатни оғишмасдан, беҳуда тортишувларсиз, ғоят изчиллик билан охирига етказиш даркор.

**Иккинчидан**, дунё тажрибаси шуни кўрсатдики, давлат бошқаруви тармоқлари бўлмиш қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятларининг муайян бир даврнинг ўзида шаклланиши уларнинг келажакда ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириши учун, олдинда турган муаммо ва вазифаларни оқилона ҳал этишда бир ёқадан бош чиқариб, соғлом муҳит ва соғлом мусобақа шароитида фаол меҳнат қилишлари учун қулай замин яратади.

Қонунчилик, суд ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг вақт жиҳатидан мутаносиблиги сайловчиларнинг айни шу даврдаги онги ва кайфиятига ҳам тўла жавоб беради, мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий барқарорликни, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Учинчидан**, ўтказиладиган Референдум нафақат Президент ваколатини узайтириш масаласига умумхалқ муносабатини белгилабгина қолмасдан, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатига, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларга, истиқбол сари қўйилаётган қадамларимизга, умуман, жамиятдаги ислоҳотларга сайловчиларнинг асл муносабатларини ҳам аниқлашга имкон беради.

**Тўртинчидан**, бугун — режа ва мақсадларимизни амалга оширишнинг энг нозик ва энг масъулиятли бир пайти. Айни шундай шароитда олий ҳамда маҳаллий вакиллик ҳокимиятларнинг ва давлат бошлиғининг фаолияти муддатини муайян бир вақтда ҳал қилиб, ундан кейин ортиқча сиёсий баҳслашувларни, сайлов ташвишлари ва юмушларини йиғиштириб, ҳокимиятнинг барча тармоқлари баробар бел боғлаб, ишончга сазовор бўлган барча шахслар халқимизга берган ваъдаларига вафодор бўлиб, зиммаларига олган мажбуриятларини амалга ошириш учун астойдил ишлаши, меҳнат қилиши керак.



*Чуст туманидаги Олмос қишлоғида ишбилармон Саидкамол Акрамов «Семруғ» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини қуриб ишга туширган эди. Унда турли-туман кийим-кечаклар тикилаяпти. Яқин кунларда қурилиш учун зарур ашёлар ҳам чиқарилади.*

*СУРАТДА: уста Мирзоҳид Алишеров.*

**Т. МАҲКАМОВ тасвири.**

## МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА*

Улуғ Рамазон ойи муносабати билан менга йўллаган илиқ табрикларингиз учун Сизга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Сизнинг олижаноб ҳис-туйғуларингизга қўшилиб, ўз номимдан Сиз, жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва шахсий муваффақият, дўст ўзбек халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

**СУХАРТО,**
**Индонезия Республикаси Президенти.**

## «БУЛОҚ» КЎЗ ОЧДИ

***Пахтачи туманидаги «Булоқ» хусусий корхонаси хизматчилари ишни савобдан бошлашди.***

Корхона жамоаси дастлабки маҳсулотларнинг бир қисмини ҳайрия сифатида кам таъминланган оилалар фарзандларига совға этишга қарор қилди. Ажаб эмаски, кўпнинг дуоси қўл бўлиб, «Булоқ» ёрлиқлари туширилган сифатли кийим-кечаклар дўконларимизда сероб бўлиб қолса...

**Ўз мухбиримиз.**

## ТАШВИШЛАНИШГА АСОС ЙЎҚ

**Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Ф. СИДОРСКИЙнинг ЎзА мухбири саволларига жавоблари**

**— Собиқ иттифоқ парчаланиб, янги мустақил давлатлар пайдо бўлгач, Ҳамдўстлик давлатлари ўртасидаги муносабатлар бутунлай бошқача сиёсий, ижтимоий-иқтисодий асосда ривожланмоқда. Ҳозирги даврда Россия Ўзбекистон билан муносабатларини қандай асосларга қураётир?**

— Иккала мустақил мамлакат — Россия ҳам, Ўзбекистон ҳам турли соҳаларни ўз ичига олган кенг қамровли икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан, бир-бирига янада яқинлашувдан МДҲ доирасида, минтақавий ва халқаро миқёсда мустаҳкам ҳамкорлик қилишдан баравар манфаатдордир, десам, янги гап айтган бўлмайман. Бу ҳақда Президентлар Б. Ельцин ва И. Каримов ҳам бир неча бор гапирганлар. Ўзбекистон Президентининг ўтган йил 2 мартда Москвага расмий ташрифи якунида эришилган сиёсий декларацияда ҳамкорлик ва дўстлик йўлидан боришга қатъий аҳд-паймон қилингани қайд этилган. Декларациянинг номи ҳам шундан далолат беради. У «Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида» деб аталади.

Бу йўлда айрим қийинчиликларнинг вужудга келиши табиийдир. Чунки мураккаб жараён кечмоқда, давлатлараро муносабатларнинг янги андозаси пайдо бўлмоқда. Россия билан Ўзбекистон учун бу андоза иккала мустақил ва эгамен давлат ўртасида иқтисодий интеграциянинг юқори даражасини, шуниси айниқса муҳимки, халқларимизнинг бир асрдан ортиқ даврдаги мустаҳкам алоқалари тарихида тўпланган барча эзгу ва яхши жиҳатларни сақлаб қолган ҳолда амалий ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйишни кўзда тутади. Бу каби масалаларни ҳал этиш Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади.

**— Бир қанча давлатлар, жумладан, Россия оммавий ахборот воситалари ҳам вақти-вақти билан собиқ СССРни тиклаш тўғрисидаги материалларни босиб чиқармоқда, уларда олдинги тузумни қумсаш сезилиб турибди.**

**Элчи жаноблари, бундай мақолаларга сизнинг муносабатингиз қандай?**

— Эски тузумни қўмсаб ёзилган бундай мақолаларга муносабатимиз бир хил, деб ўйлайман. Ўтмишни қўмсаш — психологик ҳодиса бўлиб, у инсон кайфиятини, унинг руҳан ноқулай аҳволда эканини намоён этади. Ҳозир биз бошимиздан кечираётган тарихий бурилиш даврида бундай ноқулайлик учун талай асослар мавжуд. Воқеаларга берилаётган баҳоларнинг, фикрлар ҳар хиллигининг, эҳтирослар жумбушга келаётганининг сабаби ҳам шунда.

Одамларнинг ана шундай кайфиятидан фойдаланиб, сиёсий обрў orттиришга уриниш эса бутунлай бошқа нарса, баъзи бировлар айни шундай иш билан шуғулланмоқда, сиёсатчиларга гоҳ СССРни қайта тиклаш ғоясини тақдим этмоқда, гоҳ Россиянинг янги жаҳонгирлик кайфиятлари «хавфи» теварагида эҳтиросларни авж олдирмоқда.

Эски тузум ҳеч қачон қайтмайди, қайтиш мантиқан мумкин эмас, бу ҳаммага равшан. Собиқ СССРдаги мустақил мамлакатларнинг ҳамкорлиги имкониятларини эса биз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида излай бошладик ва бундай бирликни вужудга келтира бошладик.

**— Ўзбекистонда мамлакатнинг барча фуқаролари, шу жумладан рус тилида сўзлашувчи аҳолининг турмуши, тил ўрганишлари, миллий анъаналарни сақлаб қолиши, шунингдек, диний эътиқоди эркинлиги учун баравар шарт-шароит яратиб берилган. Шундай экан, бу одамларнинг ўз келажаги учун хавотирланишига асос борми?**

— Россиянинг элчиси сифатида қуйидагиларни айтишим мумкин.

Шубҳасиз, Ўзбекистонда унинг барча кўп миллатли аҳолиси учун тенг шароит Конституция, қонун билан белгилаб қўйилган. Табиийки, бу сиёсат миллатлараро тотувлик учун, республикада яшовчи барча халқлар ўртасида дўстлик бўлиши учун яхши шарт-шароит яратади.

Аммо ҳаёт энг яхши қонунлардан ҳам мураккаброқ, қонунларни амалга ошириш учун вақт, сабр-тоқат талаб қилинади.

Кўчиб кетишга аҳд қилган ёки шу ҳақда ўйлаётган ватандошларимиз билан ҳар куни бўлаётган мулоқотларимиз Ўзбекистондан кўчиб кетаётганлар кўпаяётганининг сабаблари қуйидагилар деб хулоса чиқаришимизга имкон беради. Бу сабабларнинг биринчиси тарихий ватанига қайтишга, қариндош-уруғлари, яқинлари билан бирга бўлишга интилишдир. Буни тушуниш мумкин.

Ягона давлатнинг парчаланиб кетиши ва унинг ҳудудида бир неча мустақил давлатнинг вужудга келганини одамлар турлича идрок этишади. Янги иқтисодий воқелик ҳам кўп одамларни кўчиб кетишга мажбур қилмоқда. Бу воқелик қандай? Россияда кекса ота-оналари, фарзандлари бўлган одамлар транспорт тарифлари ошиб кетган ҳозирги шароитда уларни бориб кўриш имкониятидан ёки тўловларнинг етиб бормаётгани ва валюта эркин алмаштирилмаслиги оқибатида уларга олдингидек моддий мадад бериб туриш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди. Бундай аҳвол вақтинча эканига ишонаман, албатта, лекин ҳозирги пайтда шундай аҳвол мавжудлигини рад этиб бўлмайди.

Яна тил муаммоси, рус тилидан фойдаланишнинг камайгани ва шу билан боғлиқ равишда кўпинча ишга жойлашишда юз бераётган қийинчиликлар, баъзан эса оддий мулоқот борасидаги мушкулотлар одамларнинг Россияга кўчиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда яшашга кўникишни хоҳлайдиган ватандошларимиз ўзбек тилини билиши лозимлигини тушунаман. Яшаш учун АҚШга, Германияга, Исроилга ва бошқа мамлакатларга бутунлай кўчиб кетаётган ватандошларимиз шу мамлакат тилини билмаса, бу ерда иши юришмаслигини тезда англаб олишяпти ва ўзлари учун янги бўлган тилни тезда ўрганишга беихтиёр мажбур бўлишяпти. Мен Ўзбекистондаги ўзбек тилини яхши биладиган русларга зўр хурмат билан қарайман, республикада ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришлари учун уларнинг имкониятлари ошиб бораётганини кўриб турибман.

Аммо, афсуски, бундай одамлар кўп эмас, анчагина қисми эса тилни ўрганишига ишонмайди ёки ўзбек тилининг зарурлигини тушунмайди. Ўзбек тилини ўрганиш қобилиятига ишончсизлик (40-50 ёшда тил ўрганиш мушкул, албатта), бундай одамларга ҳамиша ҳам сезгирлик билан муносабатда бўлинмаётгани сабаб бўлмоқда. Ўқитиш тизими ва усулиятининг пухта эмаслиги, ниҳоят, Ўзбекистонда ўнлаб йиллар давомида рус тили ҳақида берилган эскича йўл-йўриқларнинг руҳиятда муқим ўрнашиб қолгани ҳам шу сабаблар жумласидандир. Бу соҳада сабр-қаноат билан, пухта ўйлаб, ҳамма жиҳатларни ҳисобга олиб иш юритиш керак.

Ватандошларимизни ташвишга солаётган, уларнинг бир қисмини Россияга кўчиб кетиш имкониятлари тўғрисида ўйлашга мажбур қилаётган бошқа сабаблар ҳам бўлса керак. Менинг фикримча, энг муҳими, бу сабаблардан кўз юммаслик, биргалашиб бу сабабларни бартараф этиш йўлларини излаш, Ўзбекистонни ўзларининг ҳақиқий ватанлари деб билишлари учун ватандошларимизга ёрдам бериш, республиканинг буюк истиқболи уларнинг ҳам келажаги бахтли бўлишини таъминлашига ишончни мустаҳкамлаш зарур.

**— Россиядаги айрим оммавий ахборот воситалари русча сўзлашувчи аҳоли Ўзбекистондан оммавий равишда кўчиб кетмоқда, деб жар соляпти. Бундай гапларга сиз қандай қарайсиз?**

— Ҳақиқатан ҳам Россия матбуотида баъзан русча сўзлашувчи аҳолининг кўплаб, деярли ёппасига кўчиб кетаётгани ҳақида мақолалар чиқмоқда. Мен бундай фикрга қўшилмайман, бундай мақолаларни маъқулламайман ҳам. Одамлар кўчиб кетаётгани йўқ, деб бўлмайди, — бу ҳол давом этмоқда. Афсуски, менинг қўлимда расмий статистика маълумотлари йўқ. Ҳозирги кунда бундай тўла маълумотлар Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам йўқ. Бизнинг тахминларимизга қараганда, Ўзбекистондан сўнгги уч йил ичида 300 мингдан ортиқ киши кўчиб кетди. Уларнинг бир қисми қайтиб ҳам келди. Бу ҳолни оммавий равишда кўчиб кетиш деб бўлмайди. Шунга қарамай, бу ҳодиса эътиборга лойиқдир. Сўнгги икки-уч ой ичида кўчиб кетиш кайфиятлари камайди. Аммо, бундай кайфият русча сўзлашувчи аҳоли орасида ҳамон мавжуд. Одамларнинг кўчиб кетиши бу йил кўпаядими ёки камаядими, бу кўп омилларга, биринчи навбатда биз биргалашиб кўчиб кетувчиларни мумкин қадар камайтириш имконини берадиган чораларни кўршимизга боғлиқ. Бу эса Россиянинг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам манфаатларига мос келади.

**— Элчи жаноблари, мамлакатимизнинг русча сўзлашувчи аҳолисига, барча ўзбекистонликларга қандай истакларингиз бор?**

— Россиянинг янги мустақил давлатларда яшаб меҳнат қилаётган ватандошларга нисбатан стратегияси маълум: биз шу мамлакатнинг раҳбарлари билан биргаликда аҳолининг мазкур табақаси янги шароитга кўникиши, шу мамлакатларнинг бахт-саодати йўлида хотиржамлик билан муносиб меҳнат қилишига ёрдам бериши учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилишни хоҳлаймиз. Бу — маданият марказларини барпо этиш, фуқароликни расмийлаштириш, одамларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва бошқа масалалар юзасидан икки томонлама битимларда юқорида қайд этилган ниятларимизни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётганимизнинг асосий сабабидир.

Кўчиб кетишга аҳд қилган кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз лозим, албатта. Ватандошларимизга, русча сўзлашувчи фуқароларга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, бу қадар ҳаётий муҳим қарорлар қабул қилишга шошилманг. Россия бугун ҳам, эртага ҳам ўзининг бирорта ватандошини рад этмайди. Россия Федерацияси Президентининг шу йил 6 февралдаги Фармони билан Россия фуқароларининг рўйхатга олиш муддати 2000 йилгача узайтирилди. Ҳозир Россияда ҳам аҳвол қийин, мамлакат кўчиб келувчиларнинг ҳаммасига ёрдам беришга қодир эмас. Мустақил, демократик ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатни барпо этиш йўлидан бораётган Ўзбекистонга ҳам сизларнинг иштирокингиз, билимингиз, маҳоратингиз зарур. Аҳиллик билан биргалашиб ишлаш учун муносиб имкониятлар мавжуд.

Пировардида Ўзбекистон халқига республика фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши учун амалга оширилаётган қийин, лекин ожижаноб ишда янги-янги ютуқлар тилайман. Россия — Ўзбекистон алоқаларининг ўзагини ташкил этувчи қадриятларни, ҳар томонлама ҳамкорлик ва шерикчиликни, икки халқ дўстлигини ўтиш даври қийинчиликларидан эсон-омон олиб ўтишимизга ишонаман, албатта.

Фашизм устидан қозонилган ўтган урушдаги Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида фронт фахрийларини, мамлакат ичкарисида меҳнат қилган фахрийларни, ўз қони билан, фидокорона меҳнати билан, эркимиз ва мустақиллигимизни сақлаб қолган, дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро мададкорликнинг мустаҳкам негизини яратган барча кишиларни шу шонли сана билан табриклайман.

**Суҳбатдош Амирқул КАРИМ.**
**(ЎзА).**

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### НАВРЎЗГА БАҒИШЛАБ

***Республика Маданият ишлари вазирлиги ва Театр арбоблари уюшмаси биргаликда ўтказаётган «Наврўз арафасида» театр фестивалининг биринчи босқичи тугади. Унда пойтахтдаги ўнта театр жамоаси қатнашди.***

Мухлислар фестивал давомида бир қанча янги асарлар, жумладан, Ҳамза номидаги академик драма театрининг «Меҳробдан чаён», Муқимий номидаги театрнинг «Севги нидоси», Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрининг «От кишнаган оқшом» каби спектаклларини кўришга муяссар бўлдилар. «Кечки қўнғироқ», «Тўйлар муборак», «Ноёб нусҳа» спектакллари танловдан ташқари намойиш этилди.

### КОЛЛЕЖ ДЕГАН ШУНДАЙ БЎЛСА...



**Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги гидромелорация коллежи ўтган 25 йил давомида мамлакатимизга 15 мингдан ортиқ малакали мутахассис тайёрлаб берди. Бугунги кунда ушбу билим масканида 9 та соҳа бўйича мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, яқинда ушбу соҳалар қаторига маркетинг ва тижорат каби бўлимлар ҳам қўшилди. Яқин кунлар ичида компьютерлар бўлимини ташкил этиш режалаштириляпти. Айниқса, билим юрти қошидаги ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётган сархил маҳсулотлар нафақат талабалар эҳтиёжини қондиришга, балки коллеж учун ҳам даромад манбаи сифатида хизмат қилмоқда.**

**СУРАТДА: билим юрти ўқитувчиси Самад Абдуҳошимов машғулот пайтида.**

### ЕР СОТИЛДИ

***Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси ҳамда республика кўчмас мулк биржаси Хоразм бўлими ўтказган кимошди савдосига уй-жой қуриш учун ер майдонлари қўйилди.***

Урганчнинг йўлдош шаҳарчаси — «Наврўз»даги майдони 450 квадрат метр бўлган ер участкаларининг баҳоси 9-10 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, савдода Урганч шаҳридаги ер майдони 3200 квадрат метр бўлган қурилиши тугалланмаган иншоот 950 минг сўмга сотилди.

### ЯНА ИККИТА КИТОБ

***Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти фуқаролик ва ҳуқуқий ишларда зарур бўлган иккита китобни нашр этди.***

Бу давлат мустақиллиги шароитида биринчи бор қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси» ва «Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси»дир.

### КЎЗИНГИЗ ҚУВНАЙДИ



**Бундан бир неча ой аввал Жиззах шаҳридаги «Хадича» универмагига қадам ранжида қилган харидор тузукроқ нарса харид қилолмаганидан кўнгли ҳижил бўлиб чиқиб кетарди. Яқинда ушбу савдо тармоғи хусусийлаштирилгач, ишда тамомила жиддий бурилиш ясалди. Айниқса, бунда универмаг директори Ўғилой Норматованинг ишбилармонлиги қўл келди. Харидорларнинг талаблари атрофлича ўрганилиб, зарур маҳсулотлар мамлакатимизнинг турли бурчакларидан шартнома асосида келтирилиб сотувга қўйилди. Ҳозир дўконга кирган харидор маҳсулотларнинг серoблигидан кўзи қувнайди.**

**СУРАТДА: «Хадича» универмаги директори Ўғилой Норматова.**

### ЁДГОРЛИК ТОШИ ҚЎЙИЛДИ

***Амударёнинг Ҳайратондаги «Дўстлик» темирйўл кўприги ёнида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ёдгорлик тоши қўйиш маросими бўлди.***

Бу ердаги шуҳрат хиёбонига мактаб ўқувчилари кўчатлар ўтқазди. Зобитлар қаҳрамон жангчилар хотирасини эслаб, фахрий қоровулда турди.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

• «Халқ сўзи» бонг уради

***Республикамизга қадам ранжида қилаётган хорижий йирик фирмаларнинг раҳбарлари, тадбиркорлар ва сайёҳларнинг кўпчилиги, табиийки, бозорларимизни бориб кўришади. Зеро, бозорлар мамлакат ва халқимиз ҳаётининг кўзгусидир. Боиси-улар турли-туман товар ва маҳсулотлар билан қанчалик тўкин-сочин бўлса, аҳолининг турмуш тарзи, маданий савияси, уларга хизмат кўрсатиш қай даражада эканлиги шунчалик аён бўлади.***

***Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент «Отчопар»идаги мавжуд аҳвол бугунги кун талабларига жавоб бера оладими? У ердаги тартибсизликлару ноқулайликлар, санитария-гигиена қоидаларига зид ҳолатлар анчадан буён кўпчиликни ташвишлантириб келаётгани сир эмас. Одамлар бу ҳақда ҳатто таҳририятимизга хат ёзиб, қўнғироқ қилиб, ўз норозиликларини изҳор этишаётир. Аслида бозорнинг ҳақиқий манзараси қандай?***

***Биз шуни билиш ниятида 23 февраль куни қўшма рейд ўтказдик.***

# БОЗОРМИ БУ Ё ОЗОРМИ?

**Тошкентдаги «Отчопар» бозори маъмурияти сотувчилар ва харидорларга қулай шароит яратиш ҳақида қайғурмаяпти**







## ИККИ БЕКАТДАГИ ҒАРОЙИБ ТОМОША

Эрталаб соат саккиз. Метронинг Собир Раҳимов бекатидамиз. Шоҳкўчада икки қатор бўлиб турган турли русумдаги автобусларнинг сафи нақ 100-150 метрга чўзилган. (Ё раббий, саҳари мардондан ишга отланган кишилар автобусларни соатлаб кутиб, шаҳар бекатларида сарғайиб турган бир пайтда улар бу ерга қаердан келиб қолдийкин?) Мазкур уловлар орасида давлатга ҳам, шахсий мулк эгаларига ҳам тегишлилари бор. Бири ўртача ҳар 3-5 минутда қўзғалса, шу муддат ичида бошқаси унинг ўрнини эгаллайди. Ва ўша заҳотиёқ ҳайдовчиларнинг дўриллаган, чийиллаган ва хириллаган овозлари, бақириқ-чақириқлари қулоғингизни қоматга келтиради: «Ипподромга борувчилар борми?!», «Кеп қолинг, бир зумда ҳожатингизни чиқарамиз!», «Юмшоқ машина, асл машина, ҳой одамлар, сизларни кутмоқда!» Бозорга отланганларнинг эса сон-саноғи йўқ. Шу боис машина эгалари кўпроқ йўлкирани қўлга киритиш илинжида автобус тўлмагунча шошилмаса, одамлар тезроқ манзилга етиб бориш тараддудида у автобусдан бу автобусга қараб чопади.

«Отчопар» бекатида ҳам шу аҳвол, шу манзара. Фақат у ерда ҳайдовчилар «Метрога!» дея одамларни чорлайди.

— «Машиналар кўп бўлса, йўловчиларга яхши-ку!» — дерсиз. Албатта. Лекин...

Собир Раҳимов бекати билан «Отчопар»нинг оралиғи нари борса икки чақирим келади. Ана шу масофа учун ҳар бир йўловчи 3 сўмдан 5 сўмгача йўл ҳақи тўлашга мажбур-ҳайдовчиларнинг талаби шундай. Аммо бирортаси чипта тарқатмайди. Қайтишда ҳам айни шу ҳол такрорланади.

Энди мана бу оддий жумбоқни ечиб кўринг. Дейлик, бир автобусга 30-50 нафар йўловчи чиқади, у «Метро-бозор-метро» йўналишини узоғи билан 20-30 дақиқада босиб ўтади. Ҳайдовчи кун бўйи неча рейс қатнади ва у ҳар бир йўловчидан 3 сўмдан санаб олиб, қанча пул ишлади? Бу маблағ давлат ғазнасига тушдими ё чўнтакка? Ҳисобли дунё, дейдилар. Масалага шу тарзда ёндашилса, қолаверса, душанбадан ташқари ҳар куни бозор бўлиши ҳисобга олинса, боя «Машиналарнинг кўплиги йўловчиларга яхши-ку!» дея эътироз билдирганлар мум тишлаб қолиши аниқ. Ниятимизни англагандирсиз? Афсуски, ушбу йўналишга махсус автобуслар ва маршрутли таксилар ажратиб, қатъий йўл ҳақини белгилаб қўйиш, шунга яраша йўловчиларга чипта беришни ташкил этиш, тушган даромадни эса вақтида ҳисоб-китоб қилиб бориш ҳақида ҳанузгача бирор-бир мутасадди раҳбар жиддий қайғураётгани йўқ.

## ЧИПТА ҲАМ, ЖЕТОН ҲАМ... ПУЛ

Шундай ғаройиб томошани кўрган киши, албатта, вақтнинг қандай ўтиб кетганини сезмай қолади. Биз ҳам бир пиёла иссиқ чой ичгулик фурсат ичида «Отчопар» бекатига етиб бордик. Олдинда — бозор.

Тумонат одам. Юки бор тижоратчи ҳам, икки қўлини чўнтагига солиб олган харидор ҳам ичкарига ошиқади. Аммо бунга эришишнинг ўзи бўлмайди.

Бозорнинг учта дарвозаси бор. Биринчиси-асосий кириш йўли шундоққина автобуслар тўхтайдиган жойда. Бу ерда худди метродагидек, махсус аппаратлар ўрнатилган. Унга етиб бориш учун, аввало, туйнукчалар олдида 10-15 дақиқа навбатда туриб, 2 сўмга жетон сотиб оласиз. Кейин... аппарат қаторидаги навбатда яна тахминан шунча муддат сабр-тоқат қилсангиз, ўзингизни бозорда кўрасиз.

Иккинчи дарвоза янги бозор қурилиши кетаётган томонда, учинчиси эса қуйироқда, машиналар бозори тарафда. Ҳар қайсисида 3-4 йигитдан иборат паттачилар гуруҳи турибди. Улар 2 сўмингиз эвазига қўлингизга чипта беришади. Шу боис бу дарвозалардан ичкарига кириш осонроқ.

Чипта ҳам, жетон ҳам-пул. Бошқача айтганда, шулар ҳисобига йиғилган маблағ бозор даромадини ташкил этади. Бунга яна ҳар бир сотувчидан олинадиган жой пули — 25 сўмни ва шунча миқдордаги машина ҳақини ҳам қўшиш лозим.

Бозорга бир кунда ёки ҳафтада қанча харидор ва машина киради? Шу муддатда неча нафар сотувчи савдо билан шуғулланади? Жами тушум миқдори қанча? Ва у қайси мақсадларга сарфланмоқда?

Биз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида бозор директори Анвар Азимов қабулида бўлдик. Таассуфки, у бундай маълумотларни бера олмаслигини очиқчасига айтди.

— Журналистлардан ҳам тўйиб кетдим, — деди директор тутақиб. — Ҳали униси келади, ҳали буниси. Сизлардан тинчлик бўладими ўзи! Тўғри, шароитимиз ёмон, камчиликларимиз бор. Лекин ҳеч қанақа маълумот бермайман. Қаерга борсаларингиз, бораверинглар.

Анвар Азимов бунчалик жазавага тушишининг сабабини бозор ҳаёти билан яқинроқ танишиш давомида тушунгандек бўлдик.

Биринчи дарвозадаги жетон ташланадиган автоматларнинг бирортаси сўрғичланмаган. Бу дегани-улардан хоҳлаган пайтда, истаган миқдорда жетонларни олиб, одамларга қайтадан сотиш мумкин. Шундай вазиятда бозорга бир кунда қанча киши киргани, неча сўм йиғилгани, унинг қайси қисми касса ёки кимларнингдир ҳамёнига тушаётганини аниқлаб кўринг-чи?

Иккинчи дарвозада бўлганимизда назоратчи Анвар Асқаров соат 12.30 гача қарийб 2400 та, машина бозори дарвозасининг назоратчиси Тоҳир Алимов соат ўн бирга қадар 1,5 мингга яқин чипта сотилганини билдирди. Ваҳоланки, шу маҳалда ҳам Анвар Асқаров ва унинг шериклари назорат қилаётган дарвозадан кирувчилар сони бирталай эди. Сўнгги дарвозадан эса ўн дақиқа давомида 12 та машина ўтди... Биз кузатиш давомида паттачилар кўп ҳолларда пулни олиб, эгаларига чипта бермаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Бу ҳам майли, суҳбат асносида кўплаб савдогарлар ер пулини йиғадиган паттачилардан шикоят қилишди. Мана, улардан айримларининг сўзларини эшитинг:

**Нодир РАҲИМОВ (Акмал Икромов туманидаги Дилноз кўчасида истиқомат қилади):**

— Паттачи 25 сўмни олишга олди-ю, чипта бериш лозимлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. Бундай воқеа биринчи марта содир бўлаётган йўқ.

**Йўлдош ТУРСУНОВ (Тошкентнинг «Себзор» даҳасидан келган):**

— Бугун паттачи менга «саховат» кўрсатди. Унга 25 сўм узатувдим, 5 сўмини қайтариб, қолганини чўнтагига солди-да, чипта бермасдан кетаверди.

**Низом АЛИХОНОВ (Шайхонтоҳур туманидаги Шофайз маҳалласида яшовчи фуқаро),**

— Бу ерга эрталаб соат еттиларда келганман. 3-4 соат мобайнида савдо қила олмадим. Бир пайт паттачи келиб қолди. Ака, молим ўтмаяпти, ҳозирча мана шу 24 сўмни олиб туринг. Қолганини кейин узаман, деб илтимос қилдим. У эса мени ҳақоратлаб кетди. Паттачиларда «инсоф» деганидан заррача қолмаган. Бошлиқларига ишонади-да.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Дарҳақиқат, Низом Алихонов айтганидек, паттачиларда иймону диёнат бўлганида бозор даромадига даромад қўшиларди. У ҳолда... Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

## «КЎПКАРИДАН УЛОҚ ОЛИБ ЧИҚҚАНДАЙ БЎЛДИМ»

Бозорни айланиб юрганимизда икки дўстнинг суҳбати ногаҳон қулоғимизга чалинди.

(Бири ўзида йўқ хурсанд, бошқасининг эса қовоғидан қор ёғарди).

— Одам-подам эмас экансан! Уч соатдан буён кутиб турибман-а!

— Э, жўра, шуни топгунимча кўпкаридан улоқ олиб чиққандай бўлдим, ўзиям. Биласанми, тижорат дўконига қараганда 150 сўм арзонга олдим, — деди Италияда тикилган қора рангли плашчни харид қилгани. Ва уни шеригига кўз-кўз этаркан, сўради: — Ёқдими?

Боя ўпкаланган йигит ҳамроҳига ноўрин муомала қилганидан хижолат чеккандек, ўнг қўли билан унинг елкасига секингина урди:

— Буюрсин... Қара, эгнингдаги кийимингнинг дабдаласи чиқибди. Тозалаб-позалаб ол, кетамиз.

Ушбу ҳолат бозорда бўлган ҳар бир киши учун таниш бўлса керак. Шундай бўлса-да, биз уларнинг суҳбатидаги икки жиҳатга эътиборингизни тортмоқчимиз.

«Тижорат дўконига қараганда 150 сўм арзонга олдим». Бу нимани англатади?

Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликка кенг йўл очилгач, одамлар дунё кезиб, ўзларини «ўққа-чўққа» уриб, не-не қийинчиликларни бошидан кечириб бўлса-да, бозорларимизни молларга тўлдиришаяпти. Ҳозир пештахталардан қидирган товарингизни топасиз. Муҳими, уларнинг нархи дўконлардагига нисбатан анча арзон. Бу — биринчиси.

Иккинчидан, ўша бахтиёр йигит «Плашчни топгунимча нақ кўпкаридан улоқ олиб чиққандай бўлдим» деганда нимани назарда тутди?

«Отчопар»да савдогарларга ҳам харидорларга ҳам шарт-шароит яратилмаган. Тижоратчилар расталар (аслида улар ҳам мослаштирилган) етишмаслигидан очиқ майдонларда, пештахталар ўртасидаги йўлакларда молларини ерга ёйиб, савдо қилишмоқда. Бошқа жойларда бўлгани каби телпак бозори, пайпоқ, тайёр кийимлар, пойабзал бозорлари алоҳида-алоҳида бўлимларга ажратилмаган. Шунинг учун кўйлак ёки костюм-шим қидириб борган киши бутун бозорни айланиб чиқишга мажбур бўлади. Устига устак, йўлаклар тор бўлганлиги сабабли, бир растага кирсангиз, ортингиздан келаётган ўнлаб харидорлар сизни бир неча ўн метрга суриб борганини сезмай қоласиз. Қарабсизки, устбошингиз чанг ёки лой, лекин кимдан гина қилишни билмай гарангсиз. Ўртада излаган нарсангизни тополмай, сарсон-саргардон бўлиб, қимматли вақтингизни бой бергангингиз қолади.

Харидорлар-ку узоғи билан 3-4 соатда бозорни тарк этишади. Аммо сотувчилар тонготардан шомга қадар шу ерда. Тоза ичимлик суви, канализация, кўнгилтортар таомлар пишириладиган ошхоналар йўқ. Чор-атроф ифлос. Супуриндилар ташқарига олиб чиқиб кетилмасдан, чекка-чеккаларга уйилиб, ўт қўйиб юборилади. Аччиқ тутун эса ҳавони булғаб, кўз очирганини қўймайди.

— Савдо-сотиқ билан шуғулланишга рухсатнома-патентимиз бор, — деди шаҳарнинг «Соғбон» кўчасидан келган Раъно Сиддиқова. — Ҳар куни йўлкирага 10 сўм, кириш ҳақига 2, жой учун эса 25 сўм тўлаймиз. Шунга яраша яйраб-яйраб савдо қилсак кошкийди. Мана, кўриб турганларингиздек, бир метрча ерда чанг-тўзон ичида одамларнинг оёқлари остида молимизни сотаяпмиз. Бу бозорми ё озорми?

— Кунига бозорга минг-минглаб киши келади, — суҳбатга қўшилди сотувчи Абдураҳмон Эминов. — Наҳотки, шунча одамдан йиғиб олинаётган пуллар ҳисобига шарт-шароитимизни яхшилашнинг имкони бўлмаса?

Уларнинг фикрини чилонзорлик Муҳаббат Расулова, Ҳамза туманилик Анвар Аҳмедов ва бошқалар ҳам қўллаб-қувватлашди.

## АЛҚИССА...

«Отчопар»да бўлган киши 2-дарвоза ёнида йирик иншоот жадал суръатда барпо этилаётганини кўрган бўлса керак. Бу — янги бозор биноси. Уни 4-махсус қурилиш трестига қарашли 281-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари тиклашяпти. Жамланма раҳбари Эркин Ғозиевнинг таъкидлашича, шу кеча-кундузда қурилиш майдонда 400 дан зиёд бунёдкор меҳнат қилмоқда. У Наврўз байрамигача фойдаланишга топширилади.

Бу ерда узунлиги 96, эни 36 метр бўлган 4 та павильон қад ростлайди. Унинг ҳар бирида 352 тадан бетон-пештахта ўрнатилади. Аниқроғи, янги бозорда жами 2800 сотувчи ўз молини эмин-эркин сотиш имкониятига эга бўлади.

Эркин ака гап орасида яна бир далилни қистириб ўтди: ҳозирга қадар иншоотда ўнлаб миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Бунда «Отчопар» бозорининг ҳам ҳиссаси бор. Негаки, шаҳар ҳокимлигининг фармойишига кўра, харидорлар ва сотувчилардан тушаётган даромад (солиқсиз) ана шу қурилишга сарфланмоқда экан... Шунда беихтиёр хаёлимиздан: «Агар бозорда ҳисоб-китоб, тартиб-интизом яхши йўлга қўйилганда бу улуш тағин-да салмоқлироқ бўлиб, қурилиш тезроқ битармиди», деган истиҳола кечди.

Бироқ кўпчиликнинг нуқтаи назарича, янги бозор эҳтиёжнинг ярмини ҳам таъминлай олмайди. Демак, қанчадан-қанча тижоратчилару харидорлар қишда қору ёмғирдан, ёзда жазирама иссиқдан қочгани жой тополмай, яна сарсон-саргардонликни бошидан кечираверадилар.

Шу жиҳатдан олганда, назаримизда, Эски Жўва ва Олой тижорат бозорларини бу ерга кўчириш масаласида бироз шошқалоқликка йўл қўйилгандай туюлди. Сабаби, биринчидан, ўтган муддат мобайнида бозорчилар оғир аҳволда қолган бўлсалар, иккинчидан, бир пайтлар донғи кетган ва халқнинг катта маблағи сарфланган «Отчопар» спорт мажмуи вайрон бўлиш даражасига етди. Ўйингоҳдан файз кетди, улкан сув ҳавзаси ахлатхонага айланди, дов-дарахтлару яшил йўлаклар пайҳон этилди, ярмаркалар, ресторанлар ва ошхоналар эса ўз кўркини йўқотди.

Бизнингча, «Отчопар» спорт мажмуини асл ҳолатига келтириб, аввалги мавқеини тиклаш, бу ерда сайиллар, тантаналар, турли хил спорт беллашувлари, кўпкарилар ўтказишнинг вақти келди. Шу билан бирга, янги бозорнинг павильонларини кўпайтириш, савдо-сотиқ қилувчиларга барча имкониятларни яратиб беришни ҳам пайсалга солмаслик керак. Ўшанда бозорларимиз ноёб товар-маҳсулотларга тўлиб-тошиб бораверади, турли хил тартибсизликлар, қинғирликлар, қоидабузарликларнинг эса пайи қирқилади. Муҳими, одамлар бугунгидек «Бу бозорми ё озорми?», дея ёқа ушламайдилар.

**Каримжон РИХСИЕВ,**
**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбирлари.**
**Шуҳрат АКРАМОВ,**
**Чилонзор тумани солиқ инспекциясининг нозири.**
**Суратларни Н. АЛМУРОДОВ тасвирга олган.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ВАЗИРЛАР ТОКИОДА УЧРАШАДИ

***Япония ташқи ишлар вазири Йохэй Коно 2 март куни Токиода Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козирев билан учрашади.***

Учрашувда бир неча йиллардан буён давом этиб келаётган ҳудудий муаммолар, Россияда ўтказилаётган ислоҳотлар келажаги ва Чеченистондаги воқеалар муҳокама қилинади.

## ЭСКИСИ ЭСКИРДИ

***Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб Грузияда хорижга чиқадиган республика фуқаролари учун бериладиган паспорт янгиланади.***

Францияда тайёрланаётган ана шундай ҳужжатларнинг бир қисми Тбилисига келтирилди, деб хабар беради РАТА ТАСС ахборот маҳкамаси. Маълум бўлишича, шу пайтгача амалда бўлган собиқ иттифоқ паспортидан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳоллари кўп учраган экан.

## МАХСУС ЭЛЧИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

***Покистон Бош вазирининг махсус элчиси, мамлакат молия вазири Маҳмуд Шаҳобуддин Бишкекда Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев билан учрашди.***

Учрашув чоғида Қирғизистон-Покистон муносабатларини ривожлантириш муаммолари, яқинда Исломободда ўтказиладиган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг йиғилишида Қирғизистон делегациясининг иштирок этиши каби масалалар муҳокама қилинди.

## ТЕЛЕКАНАЛ ФОШ ЭТДИ

***Англиянинг Би-Би-Си телеканали орқали АҚШнинг марказий разведка бошқармаси (МРБ)нинг собиқ юқори лавозимли ходими Олдриж Эймс ҳақида кўрсатув берилди.***

У тўққиз йил мобайнида Россия хавфсизлик хизматига АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан ўтказилиши лозим бўлган юздан ортиқ пинҳоний операциялар тўғрисида батафсил маълумот бериб борган. Бунинг эвазига эса Олдриж Россиядан бир неча миллион доллар олган экан.

## ЖАВОБ ҚОНИҚАРЛИ ЭМАС

***Россия Федерациясининг Варшавадаги элчихонаси Польша Ташқи ишлар вазирлигига норозилик нотаси юбориб, мамлакат ҳудудида «Чеченистон ахборот бюроси» иш юритаётганидан норози эканлигини билдирган ва ушбу ноқонуний бюронинг фаолиятини тақиқлашни талаб қилган эди.***

Польша Ташқи ишлар вазирлиги мазкур хатга жавоб йўллаган. Бироқ Россия элчихонаси жавобдан қониқмаган, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

## ҚУРБОНЛАР СОНИ ОШАЯПТИ

***Кот-Дивуар (Фил суяги қирғоғи) Республикасида фуқаролар-уруши ҳамон давом этмоқда.***

Мамлакат Мудофаа вазирлигининг берган маълумотларига кўра, сўнгги тўрт йил ичида ҳукумат қўшинлари билан бирлашган инқилоб фронти жангариларининг тўқнашувлари натижасида 9 мингга яқин киши ҳалок бўлган.

## ЖАНГАРИЛАР ГУРУҲИ ТУГАТИЛДИ

***Туркиянинг алпинист-ўқчи гуруҳи Ширнак вилоятидаги тоғларда ўрнашиб олган 37 нафар курд ишчи партияси аъзоларидан иборат жангарилар гуруҳини тугатди.***

Диёрбакир вилоятида олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида эса 70 га яқин курд партияси тарафдорлари ҳалок бўлган.

## ТАРКИБИ КЕНГАЯДИГАН БЎЛДИ

***Қирғизистон Президенти матбуот хизмати республика Россия, Қозоғистон ва Беларус давлатлари асос солган божхона иттифоқига қўшилишини маълум қилди.***

Айни пайтда иттифоққа кирувчи давлатлар билан Қирғизистон ўртасида божхона тўсиқларини бекор қилувчи ҳужжатлар тайёрланмоқда. Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, иттифоққа аъзо бўлиш Қирғизистон иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади.

## 77 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАДИ

***Таллинда «Узун герман» минораси узра давлат байроғи ҳилпираши билан Эстония мустақиллигининг 77 йиллигини нишонлаш юзасидан белгиланган тантаналар бўлиб ўтди.***

1918 йил 24 февралда Эстония мустақиллиги эълон қилиниб, давлат байроғи кўтарилган. Бироқ Кайзер Германияси ўша куни кечқурун шаҳарга бостириб киргач мустақиллик байроғи туширилган. Шундан буён ҳар йили 24 февраль куни саҳарда давлат байроғи кўтарилиб, қуёш ботиши билан туширилиши анъанага айланган.

Байрамнинг тантанали очилиш маросимида Эстония Бош вазири Андрес Таранд ва ҳукуматнинг бошқа вакиллари иштирок этди.

